

# Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 21-iyul, payshanba

№ 27 (9191)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi



## “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”:

### БУХОРОДА 74 ТА МАКТАБ ТАЪМИРЛАНАДИ

Молия вазирлиги томонидан ташкил этилган “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида овоз йиғиш орқали Бухоро вилоятидаги 74 та умумий ўрта таълим мактаби ғолибликни қўлга киритган.

Унда мактаб бинолари ва ички иситиш тизимларини таъмирлаш, жиҳозларни янгилаш, мини футбол майдончасини қуриш, синф хоналарининг эшик, деразаларини алмаштириш, моддий техник базасини ривожлантириш каби тақлифлар илгари сурилган. Ушбу мақсадларга давлат томонидан 31,9 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Ҳозирда таълим муассасаларида мазкур жараёнлар жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Бухоро вилоятидаги янги ўқув йилида умумтаълим мактабларида ўқувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қизғин тайёргарлик борилмоқда.

Айни пайтда Инвестиция, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида вилоятдаги 43 та умумтаълим мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2 та мактабда филиаллар бинолари, 7 та спорт заллари қурилиши белгиланган.

Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳам қатор ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

– Ажратилган маблағ ҳисобига 64 та умумтаълим мактабнинг ҳожатхоналари жорий таъмирланади, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилфуза Мустафоева. – 164 та

синф хоналари замонавий мактаб лойиҳалари асосида таъмирланиб, жиҳозланади. Ушбу мақсадлар учун жами 3,3 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Шунингдек, умумтаълим мактабларида яроқсиз ҳолга келган, маънан эскирган ўқув парталарини янгилаш мақсадида 11 минг 611 дона парта ва 1 минг 500 дона доска харид қилиниб, таълим муассасаларига етказилади.

Таълим муассасаларида ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ўқувчиларни “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида иштирок этиши учун қулайликлар яратиш мақсадида 91 та мактаб ва 14 та “Баркамол авлод” болалар мактаблари замонавий компьютер техникаси билан таъминланди. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 10,6 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Ичимлик суви ташиб келтирилган 40 та мактабга тоза ичимлик сув тармоғи тортилади. Буларнинг 15 таси “Замин” халқаро жамоат фонди маблағлари, 25 таси эса маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, 41 та умумтаълим мактабнинг атрофи ўралаб, 120 та мактабнинг иссиқлик тизимини тўлиқ таъмирлаш ҳам кўзда тутилган.

Зариф КОМИЛОВ,  
Уза муҳбири.

## “ҲАММА ЎЗГАРИШИ, ИШ УСЛУБИНИ ҲАМ ЎЗГАРТИРИШИ КЕРАК”

Президентнинг видеоселектор йиғилишида айтган бу даъвати барчамизни янгича режа ва янада шижоат билан ишлашга ундамоқда

Президентимиз раислигида 18 июль кuni ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида аҳолига енгилликлар ва имтиёзлар берувчи кўплаб тақлифлар ўртага ташланди.

Носиржон КАИМОВ,  
Наманган вилояти фермер,  
деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси

Жумладан, кадастри йўқ уйларга 3 қарра микдорда ер солиғи солишни вақтинча тўхатиб туриш, 1 октябрга қадар маҳаллабай кадастр ҳужжати бўлмаган хонадонларнинг электрон рўйхатини шакллантириш, уй-жойга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга асос бўлувчи ҳужжатларни тўплаш ва электрон базага киритиш, кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, муҳокамага киритиш вазифаси қўйилди.

“Дунёда озиқ-овқат танқислиги кучайиб бормоқда. Айниқса, маҳсулот етиштирувчи асосий давлатларнинг экспортга



чекловлар қўйиши ва транспорт-логистикадаги узиллишлар муаммоларни янада чуқурлаштириш керак. Таҳлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Бизда аҳоли даромадининг 40-50 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланади. Шу боис, юқоридаги хавф-хатарларнинг аҳолимизга таъсирини юмшатиш бўйича ҳар бир маҳалла, туман, вилоят даражасида аниқ ҳисоб-китоб ва чора-тадбирлар қилиш керак. Бунинг учун барча имкониятларни яратиб берганимиз”, деди давлатимиз раҳбари ўз сўзида.

Ҳақиқатдан ҳам бу борада мамлакатимизда кенг кўламда ишлар амалга

ошириляптир. Жорий йил бошида пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобидан аҳолига 80 минг гектар майдон бўлиб берилди. Аҳоли хонадонларига хизмат кўрсатиш бўйича 3 мингдан зиёд “Томорқа хизмати” инфратузилмаси яратилди. Томорқада маҳсулот етиштириш учун жорий йилнинг ўзида 400 миллиард сўм имтиёзли маблағлар ажратилди. Натижада юртимизда жорий йилнинг 6 ойида 821 минг тонна ёки ўтган йилга нисбатан 102 минг тонна кўп мева-сабзавот экспорт қилинди. Ҳозирга қадар ажратилган 64 минг гектарда жами 785 минг аҳолининг бандлиги таъминланди.

Президентимиз деҳқончилик қилаётган



аҳоли тақлифлари асосида улар кўтарган муаммолар ечимларини ҳам айтиб ўтди. Жумладан, йил якунигача яна қўшимча 20 минг гектар экин майдони аҳолига бўлиб берилди (жами 100 минг гектар бўлади). Келгуси йилда яна қўшимча 100 минг гектар экин майдони ҳам аҳолига тарқатилади. Бунинг ҳисобига қўшимча 1 миллион 200 минг нафар аҳолини банд қилиш учун шароит яратилмоқда.

Мутасаддилар, вилоят ва туман ҳокимларига бир ой муддатда камида мингта маҳаллада кичик ҳажмли музлаткичлар ўрнатиш, 3 минг гектарда парник усулида эртаки маҳсулотлар етиштириш дастурини бошлаш топширилди. Бунга жорий йилда 50 миллион доллар, келгуси йилда яна 100 миллион доллар, маҳаллаларга ҳосилдор уруғ, кўчат етказиш ва маҳсулотини сотиб олиш учун 150 миллиард сўм йўналтирилиши таъкидланди.

(Давоми 3-саҳифада)

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

### АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА МАИШИЙ ГАЗ БАЛЛОНЛАРИ ЕТКАЗИЛМОҚДА

Газ таъминотини янада яхшилаш, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, соҳада рақамли иқтисодиётнинг ўрни қанчалик муҳим эканлигини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш тизим ходимларининг энг муҳим вазифаларидан. Навоий вилоятида ҳам бу борадаги ишлар кенг кўламда ташкил этилган. Бугун вилоят аҳолисининг 37 фоизи суюлтирилган газ билан таъминланмоқда. Яъни, 101 мингдан зиёд истеъмолчига маиший баллон ҳамда қувурлар орқали суюқ газ етказиб берилмоқда. Жорий йил бошидан вилоят бўйича 424 та янги истеъмолчи билан ижара шартномаси тузилиб, шу асосида газ таъминоти бўлимлари томонидан маиший газ баллонлар етказиб берилган.



## Қишлоқ хўжалиги сугуртаси:

### ХАЛҚАРО ТАЖРИБА НИМА ДЕЙДИ?

Агросаноат комплекси иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Унинг ривожланиши давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги ва ижтимоий-иқтисодий ҳолати даражасини белгилаб беради. Қишлоқ хўжалиги ҳар доим ва ҳар қандай мамлакатда юқори рискли ишлаб чиқариш жараёни саналади. Об-ҳавонинг ноқулай келиши, бозорда талаб ва тақлиф мутаносиблигининг ёмонлашуви, рақобатнинг кучайиши, транспортировка ёки маҳсулотни сақлаш харажатларининг ошиб кетиши каби бозор хатарлари қишлоқ хўжалигидаги энг муҳим таваккалчиликлардир.



## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

### ПЛЁНКА ОСТИГА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Вилоятдаги кўпгина пахтачиликка ихтисослашган фермерлар плёнка остига чигит экишнинг афзалликларига қизиқади. Аммо қачонлардир экилиши мажбур қилинган бу усулдан аста-секин воз кечилганини ҳозир баъзилар унутиб юборган ҳам. Сабаби, Фарғона шароитига тўғри келмас экан, деган важ кўрсатилган ва ҳамма бунга бирдай ишонгани эсимизда. Бироқ ҳозир ҳам кўпгина фермерлар плёнка остига чигит экиш тажрибасидан воз кечгани йўқ.



## 900 ГЕКТАР ЕР

### ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАРИ ОРҚАЛИ ТОМЧИЛАТИБ СУФОРИЛМОҚДА

Бу ҳақда “Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан ўтказилган пресс-турда маълумот берилди (Давоми 3-саҳифада)







